
Фарғона ва Марғилон шаҳарларини боғловчи йўл ўтказгич 1 ноябрга қадар фойдаланишга топширилади

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона ва Марғилон шаҳарларини боғловчи йўл ўтказгичда амалга оширилаётган таъмирлаш ишларини кўздан кечирди.

1976 йилда қурилган, узунлиги 165 метр, эни пиёдалар йўлаги билан жами 24 метр бўлган ушбу йўл ўтказгичда ҳозирга қадар таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган.

Йўл ўтказгични оралиқ қурилмалари (балкалари) ва четки тўсиқлари, ёритиш устунлари яроқсиз ҳолатга келганлиги сабабли, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 апрелдаги йиғилиш баёнига асосан Фарғона ва Марғилон шаҳарларини боғловчи 4P-140а “Фарғона шаҳрига” автомобиль йўлининг 5 кмдаги йўл ўтказгични тўла таъмирлаш объекти 2022 йил таъмирлаш ишлари дастурига киритилган.

Батафсил: <https://fergana.uz/site/view/news/11382611>

Sayt (<http://fergana.uz/>) | Telegram (<https://t.me/fvhokimligi>) | Facebook (<https://www.facebook.com/fvhokimligi>) | YouTube (<http://youtube.com/Fargonaviyotihokimligi>) | Facebook (<https://www.facebook.com/fargonavilhokimi>) | Instagram (<http://www.instagram.com/fviloyatihokimligi>)

2022-09-21 09:07:31